

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЕНГИЛЛАШТИРИЛДИ

2021 йил 1 июндан қуйидагилар **ЭКСТЕРРИТОРИАЛ ТАМОЙИЛ***
асосида амалга оширилади

✓ а) 7 та турдаги фуқаролик
ҳолати далолатномаларини қайд этиш:

- туғилиш
- никоҳ тузилганлиги
- никоҳдан ажралиш
- ўлим
- исм ва фамилияни ўзгартириш
- оталикни белгилаш
- фарзандликка олиш

✓ б) никоҳланувчи
шахсларни тиббий
кўриқдан ўтказиш

✓ в) хорижга чиқиш
биометрик паспортини
расмийлаштириш

* Доимий рўйхатдан ўтган
жойидан қатъий назар



Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда ФХДЁ билан
боғлиқ барча маълумотлар **фуқаролардан талаб
қилмасдан** нотариуслар томонидан **электрон тизими
орқали олинади**



Тадбиркорлик субъекти бўлган **юридик шахсларнинг
вакилига** давлат хизматларидан фойдаланиш учун йиғим ва
давлат божини **нақд пул шаклида тўлашга рухсат берилди**

Adliya Vazirligi
Davlat Xizmatlari
Agentligi

ДХМ орқали хизматлардан фойдаланишда ортиқча тўланган
тўловлар **соддалаштирилган тартибда 1 иш куни ичида**
ташкilotдан фуқарони иштирокисиз **қайтаришга** рухсат
берилди.



**АККРЕДИТАЦИЯ
ҚИЛИШ
СОДДАЛАШТИРИЛДИ**

Хорижий тижорат ташкilotларининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимини
аккредитация қилишда **ОИТС касаллиги
йўқлиги тўғрисидаги сертификатни**
талаб қилиш амалиёти **бекор қилинди**



**QR-кодли
ҳужжат**

QR-код қўйиш орқали
берилган ҳужжатларни
ЯИДХП орқали
чекланмаган миқдорда
бепул олиниши мумкин

МАНБА:

“Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда
янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент Фармони



@huquqiyaxborot

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЕНГИЛЛАШТИРИЛДИ

18

450 дан ортиқ қонун ҳужжатида белгиланган **18 ТУРДАГИ** маълумот ва **ҳужжатлар ваколатли давлат органи** томонидан “Электрон ҳукумат” платформаси орқали олиш тартиби жорий этилади.



Ушбу турдаги маълумот ва ҳужжатлар аҳоли ҳамда тадбиркорлардан талаб қилиш **бекор қилиниб**, натижада аҳолини ортиқча овора бўлиши ҳамда идорама-идора сарсон бўлиб юришини олди олинади.

БУЛАР:

Қуйидаги фактларни тасдиқловчи ҳужжатлар:

- руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;
- наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;
- судланганлик;
- манзил-маълумот ахбороти;
- фуқаронинг номида шахсий уй-жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- турар жойнинг майдони;
- солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлиги;
- пенсия ва нафақа миқдори;
- пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги;

Қуйидаги ҳужжатлар:

- шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;
- шахснинг белгиланган шаклдаги фотосурати;
- тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг маълумотномалари;
- меҳнат дафтарчалари ва уларнинг нусхалари;
- иш ҳақи ва иш стажини тасдиқловчи архив маълумотномалари;*
- олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномалари;*
- кадастр ҳужжатлари ва уларнинг нусхалари.



my.gov.uz



Adliya Vazirligi
Davlat Xizmatlari
Agentligi

* фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно

МАНБА: “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент Фармони